

Following the Provisions of the Law on The Protection of the Environment of the Republic

Baqoev, N.

Associate Professor.

Economics and Information Technologies Department

Navoi Innovation University

Uzbekistan, Navoi

Received: 2024 12, Dec

Accepted: 2024 25, Dec

Published: 2025 29, Jan

Annotation: The article analyses the dynamics of the production volume created in the industrial complexes of Uzbekistan in 2000-2023. In the implementation of the analysis, the data from 2000 to 2023 were converted to the comparative price index in 2023. In addition, the evolution of GDP growth has been analysed, an econometric model of the impact of GDP growth on GDP has been developed, and forecasting has been implemented.

Keywords: Industrial output, gross domestic product (GDP), price index, comparative prices, growth of industrial output in GDP, the effect of industry on GDP, econometric model, forecast

Published under peer review:

Doctor of Philosophy(PhD)

Dotsent

Qurbanova Raxima Jamshedovna

Uzbekistan

INTRODUCTION(KIRISH)

Иқтисодиётни ривожланганлиги, аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги кўп жиҳатдан мамлакатда саноат тармоғининг қай тарзда ривожланганилигига боғлиқ бўлади. Иқтисодий жиҳатдан тараққий эттан мамлакатларда саноат ялпи ички маҳсулот ҳажмида салмоқли ўринга эга бўлиб, бошқа соҳалардаги товар ва хизматлар яратилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

ҳажмидағи улушкини ҳисоблаш, ўзгариш динамикаси бўйича ривожланиш суръатлари йўналишини аниқлаш, иқтисодий-статистик жиҳатдан таҳлил қилиш, тармоқнинг ЯИМга ижобий таъсирини самарали олиб бориш йўлларини излаш, эконометрик моделини тузиш орқали ишончли прогнозлашни амалга ошириш тармоғнинг ривожланишига сабаб бўла олади. Адабиётлар таҳлили. Саноат тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини таҳлил қилиш, саноатни ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни миқдорий жиҳатдан ўрганиш хақида мамлакатимиздаги олимлардан Б.Беркинов [1], Б.Салимов [2], Н.Махмудов [3], Б.Фойибназаров [4] ва бошқаларнинг илмий ишларида илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Юқорида номлари келтирилган олимларнинг адабиётлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги расмий сайтидан олинган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғи динамикасини таҳлил қилишга имкон яратди.

METHODOLOGY(METODOLOGIYA)

Ўзбекистон Республикасида 2000 йилдан 2023 йилгача бўлган муддатда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва саноат маҳсулоти ҳажми ҳақида 1-жадвалда маълумотлар келтирилган [7]. Бу жадвалдаги маълумотларда жорий ёки амалдаги нархларда ҳисобланган кўрсаткичлар келтирилган бўлиб, нарх-навони ўзгариши, инфляция суръати каби омиллар ҳисобга олинмаган. 1-жадвал маълумотларга кўра мамлакат ЯИМ ҳажми 2023 йилда 200 йилга нисбатан эътибор берилганда 366,2 марта ошган. Лекин бу кўрсаткич реал ҳолатни тавсифламайди.

Саноат тармоғи динамикасини таҳлил қилишда ва прогнозлашда пулда ифодаланадиган кўрсаткичларни инфляцияни ўсип кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ [5].

RESULTS AND DISCUSSION(NATIJALAR VA MUHOKAMA)

1-жадвал

**Ўзбекистонда 2000-2023 йиллардаги ялпи ички маҳсулот ва
саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўмда**

Йиллар	ЯИМ, млрд сўмда	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм ¹⁾	Йиллар	ЯИМ, млрд сўмда	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд сўм ¹⁾
2000	3255,6	1888,9	2012	127590	57552,5
2001	4925,3	2830,8	2013	153311	70634,8
2002	7450,2	4494,0	2014	186830	84011,6
2003	9844,0	6127,5	2015	221351	97598,2
2004	12261,0	8123,2	2016	255422	111869,0
2005	15923,4	11028,6	2017	356454	148816,0
2006	21124,9	14640,3	2018	473653	235341,0
2007	28190,0	18447,6	2019	594660	331007,0
2008	38969,8	23848,0	2020	668038	368740,0
2009	49375,6	28387,3	2021	820537	456056,0
2010	78936,6	38119,0	2022	995573	553265,0

2011	103233,0	47587,1	2023	1192163	658992,0
------	----------	---------	------	---------	----------

1) 2000-2009 йиллар ХХТУТ(ОКОНХ) классификатори бўйича; 2010 йилдан ИФУТ(ОКЭД-2) классификатори бўйича.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари

Пуллик қийматлардаги иқтисодий кўрсаткичларни бир-бири билан таққослашда маълум бир йилдаги нархларга келтириш тадқиқотларни ишончли ва самарали бўлишига хизмат қиласди. Барча пуллик кўрсаткичларни 2023 йилдаги қиёсий нархларда ҳисоблаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажми ва ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ҳақидаги расмий статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда нархлар индекси аниқланади [6].

2-жадвалда 2000-2023 йиллар мобайнидаги нархлар индекси 2023 йилга нисбатан ҳисоблааб чиқилган. 2023-йилдаги нарх индекси 1 га тенг деб олинган. 2022 йилдаги нарх индексини ҳисоблашда, 2023 йилдаги ЯИМ ҳажми шу йилдаги иқтисодий ўсиш суръатига бўлиш орқали қайта ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми 2022 йилдаги амалдаги нархларда ҳисобланган ЯИМ нисбатан аниқланган.


2-жадвал

2023 йилга нисбатан нархлар индекси ва қиёсий нархлардаги ЯИМ ва саноат маҳсулоти ҳажми

Йиллар	ЯИМ, млрд сўмда	ЯИМ ўсиш суръати, фоизда	Нархлар индекси	ЯИМ қиёсий нархларда (млрд.сўм)	Саноат маҳсулоти ҳажми, қиёсий нархларда (млрд.сўм)
2000	3255,6	103,8	0,0115	283371,4	164252,174
2001	4925,3	104,2	0,0167	295273,0	169508,982
2002	7450,2	104,0	0,0243	307083,9	184938,272
2003	9844,0	104,2	0,0308	319981,4	198944,805
2004	12261,0	107,4	0,0357	343660,1	227540,616
2005	15923,4	107,0	0,0433	367716,3	254702,079
2006	21124,9	107,5	0,0534	395295,0	274162,921
2007	28190,0	109,5	0,0651	432848,0	283373,272
2008	38969,8	109,0	0,0826	471804,3	288716,707
2009	49375,6	108,1	0,0968	510020,5	293257,231
2010	78936,6	107,1	0,1445	546231,9	263799,308
2011	103232,6	107,5	0,1758	587199,3	270688,851
2012	127590,2	107,1	0,2029	628890,5	283649,581
2013	153311,3	107,3	0,2272	674799,5	310892,606
2014	186829,5	106,9	0,2590	721360,7	324369,112
2015	221350,9	107,2	0,2862	773298,6	341013,976
2016	255421,9	105,9	0,3119	818923,2	358669,445
2017	356453,8	104,4	0,4169	854955,9	356958,503
2018	473652,8	105,6	0,5246	902833,4	448610,370
2019	594659,6	106,8	0,6167	964226,1	536739,095
2020	668038,0	101,6	0,6819	979653,7	540753,776
2021	820536,6	108,0	0,7755	1058026,0	588079,948
2022	995573,1	106,0	0,8877	1121507,5	623256,731
2023	1192162,5	106,3	1,0000	1192162,5	658992,000

Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

2022 йилдаги нархлар индекси 0,887710 га teng бўлди. Boшқа йиллардаги нархлар индекси ҳам занжирли тарзда 2023 йилдаги ЯИМ ҳажмлари mos йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатларига қайт-қайта бўлиш орқали ҳисобланган ЯИМ ҳажмлари ёрдамида аниқлаб чиқилган. 2010 йилдаги нархлар индекси 0,144511 га teng бўлган бўлса, 2000 йилдаги нархлар индекси 0,011489 га teng бўлди. 2-жадвалдаги қайта ҳисобланган маълумотларга кўра 2023 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2000 йилга нисбатан 4,21 марта кўп бўлиб фарқ 908 триллион 791 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этган. 24 йил давомида мамлакат иқтисодиёти 4,21 баробар ўсган. Шу вақтдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми таҳдил қилинганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,01 баробарга ошган. 2000 йилдан 2023 йил яқунигача Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми саноат ишлаб чиқаришдан 0,2 баробар кўпроқ ўсган экан.



1-расм. Ўзбекистон ЯИМ ва саноат маҳсулоти ҳажми (2023 йилдаги қиёсий нархларда)

2023 йилдаги ЯИМ ҳажми 2010 йилга нисбатан 2,18 баробарга кўпайган бўлса, саноат маҳсулоти 2,5 баробарга ошган. Демак 2023 йил яқунига кўра саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ЯИМ ҳажмига нисбатан 0,32 баробар жадалроқ ўсганини кўриш мумкин.

2023 йиладги ЯИМ ҳажми 2020 йилга нисбатан 21,69 фоизга ошган бўлса, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам 21,87 фоизга ошган. Бу даврда ҳам саноат маҳсулоти ҳажми ЯИМга нисбатан 0,21 фоизга жадалроқ ўсганини кузатиш мумкин.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини (CMX) вақт бўйича тренд модели энг кичик квадратлар усули орқали ҳисоблаб чиқилди.

$$CMX = -5,9414*t^4 + 418,39*t^3 - 8758,3*t^2 + 76842*t + 13905; \quad R^2 = 0,9776$$

Ялпи ички маҳсулотнинг саноат маҳсулоти ҳажмига кўра жуфт регрессия тенгламаси қўрининиши қўйдагича бўлди:

$$\text{ЯИМ} = 4522,219 + 1,873 * \text{CMX}; \quad R^2 = 0,9040$$

Ялпи ички маҳсулотнинг 2000-2023 йиллар бўйича саноат маҳсулоти ҳажмига кўра 2023 йилдаги қиёсий нархларга кўра ҳисобланган маълумотлар асосида тузилган регрессия тенгламаси асосида ҳисобланган прогноз кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва саноат маҳсулоти ҳажми прогнози

Йиллар	ЯИМ қиёсий нархларда (млрд.сўм)	Саноат маҳсулоти ҳажми, қиёсий нархларда (млрд.сўм)
2023*	1192162,500	658992,000
2024	1273483,232	677501,875
2025	1371309,570	729731,634
2026	1468281,296	781505,113
2027	1562022,715	831553,922
2028	1649891,054	878467,077
2029	1728976,463	920691,000
2030	1796102,012	956529,521

*2023 йил ҳақиқатда

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

CONCLUSION(XULOSA)

З-жадвалда ҳисобланган маълумотларга кўра мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2030 йилда 2023 йил қиёсий нархларида 1 квадрилион 796 триллион 102 миллиард 12 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Саноат маҳсулоти ҳажми 956 триллион 529 миллиард 521 миллион сўмга етар экан. Саноат маҳсулотининг ўсиш кўрсаткичи 45,15 фоиз бўлиши мумкин экан. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 50,66 фоизга етиши аниқланди. Мамлакатдаги иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари саноатдан жадалроқ ривожланиши натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми шу миқдорга етиши мумкинлиги кутилмоқда.

Ўзбекистонда саноат тармоғини ривожлантириш учун қўйидагиларни тавсия этамиз.

Республикада саноат ишлаб чиқаришдаги худулар ўргасидаги тафовутни камайтириш чораларини кўриш.

Корхоналарда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва назорат тизимини қучайтириш.

Илмталаб ва инновацион саноат корхоналарини ташкил этишда турли имтиёзларни қўллаш.

REFERENCES(FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI):

- Беркинов Б.Б. Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил, 1-16 б.

2. Салимов Б.Б. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил, 1-9 б.
3. Махмудов Н., Қосимов А. Ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини янада такомиллаштириш йўналишлари / "Ҳудудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: халқаро тажриба, услублар ва истиқболлар" илмий мақолалар тўплами, Тошкент, 2019 йил, 23-28 б
4. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими/ Ўқув қўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2005.- 106 б;
5. Бақоев Ҳ.Н., Сайфулина А.Ф. Навоий вилояти саноат маҳсулотлари ҳажмига ишлаб чиқариш инфратузилмалари таъсирини статистик баҳолаш. // Ўзбекистон статистика ахборотномаси" илмий электрон журнали. 2022 йил, 2-сон <https://statmirror.uz>
6. Bakoyev Kh.N., Chekulayeva K.A. Econometric analysis of industrial production's variance in the section of cities and districts of the Navoi region // Frontline marketing, management and economics journal. Vol. 1 No. 058 (2021) 7-14 pages <https://frontlinejournals.org/journals/index.php/fmmej/article/view/73>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти www.stat.uz